

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ИСАХАНОВ ЗИНАОБИДИН АБИЛПЕЙЗОВИЧ

**ИОНЛАР ВА ЭЛЕКТРОНЛАРНИНГ ЮПҚА КРИСТАЛЛАРДАН
СОЧИЛИШИ ВА ӰТИШИ ЖАРАӁНЛАРИДАГИ ОРИЕНТАЦИОН
ЭФФЕКТЛАР**

01.04.04 – Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the of doctoral (DSc) dissertation Abstract

Исаханов Зинаобидин Абилпейзович

Ионлар ва электронларнинг юпқа кристаллардан сочилиши ва ўтиши
жараёнларидаги ориентацион эффектлар 3

Исаханов Зинаобидин Абилпейзович

Ориентационные эффекты в процессах рассеяния и прохождения
ионов и электронов через тонкие кристаллы 27

Isakhanov Zinaobidin Abilpeyzovich

Orientation effects in processes of scattering and transmission of ions and
electrons through thin crystals 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ИСАХАНОВ ЗИНАОБИДИН АБИЛПЕЙЗОВИЧ

**ИОНЛАР ВА ЭЛЕКТРОНЛАРНИНГ ЮПҚА КРИСТАЛЛАРДАН
СОЧИЛИШИ ВА ЎТИШИ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ОРИЕНТАЦИОН
ЭФФЕКТЛАР**

01.04.04 – Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1. DSc/FM48 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (<http://fti-kengash.uz/>) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Умирзаков Балтоходжа Ерматович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Тураев Назар Юлдашевич
физика-математика фанлари доктори, академик
Эгамбердиев Баҳром Эгамбердиевич
физика-математика фанлари доктори, профессор
Кутлиев Учқун Отобоевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: lutp@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.Л. Лутпуллаев,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.В. Каримов,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

С.А. Баҳромов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда бугунги кунда динамикали ривожланаётган физик электроника соҳасида муҳим физик муаммолардан бири, зарядли зарраларнинг қаттиқ жисм юзаси ҳамда уларнинг нанопленкалари билан ўзаро таъсирлашувида кузатиладиган жараёнлар механизмларини аниқлаш имкониятларини ва микроэлектроника, наноэлектроника асбоблари учун маълум физик хоссаларга эга бўлган материалларни ишлаб чиқишдан иборат. Шу нуқтаи назардан юпқа поли- ва монокристалл пленкаларда электрон жараёнларни тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда физик электроника соҳасини самарали ривожлантириш борасида физик кимёвий ҳодисалар ва жараёнларни қамраб олган электрон асбобларнинг ҳар хил турларини яратишда фундаментал аҳамиятга эга бўлган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада соҳанинг амалиётда ишлатиладиган маълум электрофизик хоссаларга эга бўлган сифатли янги материаллар базасини мустаҳкамлаш ҳамда замонавий талаблар асосида кристалларга қўшимча элементлар киритиш йўли билан сифатини ошириш, уларнинг олиш технологияларини мукаммаллаштириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида нанофизика соҳасидаги фундаментал изланишлар натижасида янги технологияларни жорий этиш орқали микроэлектроника соҳасини янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда қаттиқ жисмли нанопленкалар олиш технологиясини мукаммаллаштириш ҳамда ундаги нуқсонларни камайтириш, нанопленкаларни сифат кўрсаткичини яхшилаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий–тадқиқотларни, жумладан қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: юпқа пленкалар олиш қурилмаларини такомиллаштириш, кимёвий боғланишлар бўйича олинган амалий натижаларни назарий моделлаштириш, молибден ва вольфрам намуналарига термик ишлов беришда ҳосил бўлувчи кислород ва углерод аралашма атомлари бор ҳолда кристалл панжара моделини яратиш, мис ва кумуш юпқа эркин пленкаларидан қайтган ва улар орқали ўтган электронларнинг энергия йўқотиш спектрлари дисперсиясини амалий тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Юқорида келтирилган илмий тадқиқотлар йўналишида бажарилаётган илмий изланишлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442-сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II– «Энергетика, энергия ва ресурстежамкор» ва III– «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Зарядли зарраларнинг кристалл сиртидан сочилиши ва уларнинг юпқа пленкалари орқали ўтиш жараёнларини ўрганиш юзасидан илмий ва амалий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Стэнфорд/НАСА, Эймс Сирт ва микроструктуравий тадқиқотлар бирлашган институти (АҚШ), Москва давлат университети ядро физикаси илмий текшириш институти, Санкт-Петербург давлат техника университети (Россия), Черновицк миллий университети (Украина), Токио пойтахт университети (Япония), Ядровий тадқиқотлар институти (Германия), Цюрих политехника университети (Швейцария), Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон Республикаси) томонидан олиб борилмоқда.

Электрон ва ионларнинг қаттиқ жисм сирти ҳамда уларнинг нанопленкалари билан ўзаро таъсирлашувида кузатиладиган жараёнлар механизмларини аниқлашнинг замонавий усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришга оид, жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: сиртда элементлар таркибини аниқлаш спектроскопиясининг янги усуллари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат техника университети, Россия); жисмнинг кристалл ва электрон структуралари, таркибини аниқлашда электронларнинг характерли энергия йўқотиш спектроскопияси сезгирлиги такомиллаштирилган (Цюрих политехника университети, Швейцария; Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон); иккиламчи ион масс-спектроскопияси усулининг элементларни, изотопларни ажратиш самарадорлигини ошириш технологияси ишлаб чиқилган (Ядровий тадқиқотлар институти, Германия; Токио пойтахт университети, Япония).

Бугунги кунда зарядли зарраларнинг ҳар хил кристаллардан қайтиши ва улар орқали ўтишида кристалл ориентациясига боғлиқ ҳолда ўзаро таъсир механизмларини тадқиқ қилиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кристалларда элементларнинг таркибий, кимёвий ҳолатлари ўзгариши, киритилган аралашма атомларининг

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи J. Physical Review B; J. Applied Physics Letters; J. Japanese Journal of Applied Physics; Ж. технической физики; Ж. Поверхность; Ж. Успехи физических наук; Ж. экспериментальной и теоретической физики; Ж. Физика и техника полупроводников; Ж. Физика твердого тела; Ж. Приборы и техника эксперимента; Научно-техн. сборник Электронная техника. Серия 1, СВЧ-Техника; Письма в Ж. технической физики; Ж. нано и электронной физики; ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

жойлашиши ҳамда асосий атомлар билан кимёвий боғланишини аниқлаш; металлларнинг нанопленкалари орқали ўтган зарядли зарраларнинг энергиявий ва фазовий тақсимланиши; аморфизацияланган юзанинг зарядли зарралар энергиявий тақсимланишига таъсирини ўрганиш усуллари ҳамда воситаларини замонавий техник ечимлар асосида такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Массив ва наноўлчамли материалларнинг таркиби, структураси ва физик хоссаларини ўрганиш, кристаллар сиртидан қайтган ва унинг юпқа эркин пленкалари орқали ўтган ион ва электронларнинг бурчак, энергиявий ва фазовий тақсимланишини тадқиқ қилиш шу соҳа олимлари орасида катта қизиқиш уйғотиб келган. Санкт-Петербург политехника институтининг профессори В.В.Кораблев томонидан ионлар ва электронлар билан қаттиқ жисмларни бомбардимон қилиш натижасида эмиссияланган оже-электронлар спектрларини тадқиқ қилиш йўли билан материалларнинг сиртки қатламлари таркиби миқдорий жиҳатдан аниқланган. 1970 йилларда С.Эргинсой ва Х.Е.Вегнерлар яримўтказгичларнинг юпқа поли- ва монокристалл пленкалари орқали ўтган протон ва енгил ионларнинг (H_1^+ , H_2^+ , He^+ , D^+ , Li^+) бурчак, фазовий ва энергиявий тақсимотини юқори энергиялар соҳасида (юзлаб кэВ ва МэВ) ўрганиб, кристалл ориентациясига боғлиқ ҳолда энергия йўқотиш хоссаларини топган. А.Ф.Тулинов томонидан ионларнинг каналланишида блокировка (ёки соялар) эффекти аниқлаган. Х.Ретер ва бошқа муаллифлар томонидан электронларнинг характеристик энергия йўқотиш спектрлари аниқланган.

Ўзбекистонда Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, “Адсорбцион ва эмиссион ҳодисалар” лабораториясида ионларнинг кристалл орқали ўтганда вужудга келадиган ориентацион ҳодисаларни, каналланишда оғир ионларнинг кириш чуқурлигини, моддага киритилган ионларнинг тарқалиш соҳаси, профил бўйича тақсимоти, кристаллардаги нуқсонлар, киритилган атомларнинг кристалл панжарада жойлашиши, монокристалл нанопленкалар сиртидан қайтган ва улар орқали ўтган электронларнинг характеристик энергия йўқотиш спектрларини комплекс ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Олинган натижалар асосида давлат фундаментал лойиҳалари бажарилмоқда.

Замонавий ўта юқори аниқликка эга бўлган ўлчаш асбобларнинг ва физик методларнинг мавжудлиги юқорида кўрсатилган илмий изланишлар самарадорлигини оширишда катта имкониятлар яратмоқда. Лекин бугунги кунгача бу соҳада яна бир қатор фундаментал муаммолар ўз ечимини топмаган. Масалан, қаттиқ жисмлар ион ва электронлар билан бомбардимон қилинганда эмиссияланган оже-электронларни таққослаб ўрганиш, ионлар тушиш бурчаги ва кристалл ориентациясининг шу кристалл орқали ўтган ионларнинг интеграл ва дифференциал характеристикаларига таъсирини ўрганиш, бир хил шароитдаги экспериментларда юпқа эркин монокристалл пленкалар сиртидан қайтган ва улар орқали ўтган электронларнинг характеристик энергия йўқотиш спектрларининг ориентацияга ва дисперсияга боғлиқлиги етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Бугунги кунга

қадар сиртда аралашма атомларининг жойлашиши, матрица ва аралашма атомлари орасидаги кимёвий боғлиқлик, яна ионлар билан бомбардимон қилинганда сиртқи қатламлар тартибсиз ҳолатга келишининг (аморфизация) металллар юпқа эркин пленкалари орқали ўтган электронларнинг энергиявий тақсимотиға таъсири ўрганилмаган ва бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-2-1-64 “Қаттиқ жисмларни ионлар билан бомбардимон қилганда оже-спектрларнинг шаклланиш механизмларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш” (2003–2007), Ф-2-1-74 “Кристалларда валент электронларнинг плазмон тебранишини юзага келтириш учун электронлар энергия йўқотишининг дисперсияға боғлиқлиги” (2003–2007), ФА-Ф2-Ф102 “Ион ва электронларнинг ҳар хил модификацияға эга бўлган қаттиқ жисмдан ўтганда энергия йўқотишининг ориентацияға боғлиқлиги” (2007–2011) ва Ф2-ФА-Ф161 “Эркин юпқа пленкалар (Al, Cu, Ag, Cu-Si) ва массив кристаллар (W, WO_n, TiN, CdTe, SiO₂) юзасида ион имплантацияси усули билан ҳосил қилинган наноўлчамли гетероструктураларнинг шаклланиш механизмлари ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш” (2012–2016) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади зарядли зарраларнинг ҳар хил табиатға эга бўлган кристаллар билан ўзаро таъсирлашганда содир бўладиган жараёнлардаги ориентацион эффектларни аниқлаш, аралашма атомларининг жойлашиши ва сирт диагностикаси усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экспериментал курилмаларни замон талабларига кўра ўта юқори вакуумли кичик бурчакли электрон ва ион универсал спектрометри, иккиламчи ионлар масс-спектрометри, металллар ва яримўтказгичларнинг юпқа эркин пленкалари олинадиган курилмаларни такомиллаштириш;

Mo(100), W(100), Al(100), Si(100) монокристаллари ва миснинг саноат намуналари юзаларини юқори температурада қиздириш, ионлар билан ишлов бериб тозалаганда уларнинг элементлар таркиби ҳамда юзаларининг кимёвий ҳолати ўзгаришини ўрганиш, юзадаги асосий ва аралашма атомлар орасидаги кимёвий боғланишлар бўйича олинган амалий натижаларни назарий ҳисобланган маълумотлар билан тасдиқлаш;

оже-спектрларнинг бурчакка боғлиқлигини таҳлил қилиш асносида Mo ва W монокристалларда аралашма атомлари юза қатламларида жойлашиши, ҳосил бўлган бирикмаларнинг турлари ва кристалл панжара турини аниқлаш, Mo(100) ва W(100) намуналарига юқори температураларда ишлов бериб, юзада кислород ва углерод аралашма атомлари бор ҳолда кристалл панжара моделини ишлаб чиқиш;

поли- ва монокристалл юпқа намуналари орқали ўтган ионларнинг тақсимотини тушиш бурчаги ва энергиянинг ўзгаришиға боғлиқ ҳолда аниқлаш;

Cu ва Ag юпқа эркин пленкаларидан ўтган ион ва электронларнинг энергиявий ва фазовий тақсимланишига тартибсизланган юза, тушаётган даста энергияси, бурчаги ҳамда намунани азимутал бурчак бўйича бургандаги таъсирини тадқиқ қилиш;

ҳар хил кристаллографик йўналишга эга бўлган Mo, Nb, Si, Ge юзаларидан, Cu, Ag юпқа эркин пленкалардан қайтган ва улар орқали ўтган электронларнинг характеристик энергия йўқотиш спектрлари дисперсиясини амалий тадқиқ қилиш ҳамда бу кристалларда плазмон тебранишлар дисперсиясини назарий йўл билан ҳисоблаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида W, Mo, Nb, Cu, Ag, Al каби металлларнинг поли- ва монокристаллари, Si, Ge каби ярим ўтказгичлар, SiO₂ диэлектрик, Ni/CdS, Ni/Si, Al/Si, SiO₂/Si каби юпқа пленкали тизимлар, Cu ва Ag эркин юпқа поли- ва монокристалл пленкалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети нанопардаларга зарядли зарралар таъсир этгандаги физик жараёнлар ва кристалл панжараларининг аморфизацияланиш механизмлари ҳамда зарядли зарраларнинг кристаллар билан ўзаро таъсирида содир бўладиган ориентацион эффектлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида металлларнинг юпқа эркин пленкалари орқали ўтган ва улардан қайтган ионларнинг энергия йўқотиш спектроскопияси, оже-электрон спектроскопия (ОЭС), электронларнинг характеристик энергия йўқотиш спектроскопияси (ЭХЭЙС), иккиламчи ионлар масс-спектроскопияси (ИИМС) каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Mo, W, Si, Cu и Al монокристалларини яхшилаб тозаланганда уларнинг ион оже-спектрларида L_{2,3}VV оже чизиғининг ёнида қўшимча, уларнинг қисман оксидли чўққилари пайдо бўлиши аниқланган;

Mo(100), W(100) юза ости қатламларида кристалл панжарада кислород, углерод атомларининг тугунлар орасида октаэдрик ҳолатда жойлашиши аниқланган. W, Al, Si монокристалларини бир хил шароитда ионлар, электронлар билан бомбардимон қилиш натижасида асосий чўққи интенсивлиги камайиши, чўққи ярмида энининг кенгайиши ва энергиявий ҳолатининг ўзгариши, таркибда квазимолекулалар ҳосил бўлиши билан боғлиқ эканлиги аниқланган;

E₀=5–40 кэВ ионлар дастаси энергияси текширилаётган соҳасида Cu ва Ag монокристалларининг эркин нанопленкалари орқали ўкли, текислик бўйича каналланиш ва тартибсиз ўтишни кечирган ионларнинг бир пайтдаги улуши билан шартланган энергетик тақсимланишнинг юпқа структураси топилган;

ионлар монокристалл нанопленкалар орқали каналланганда энергия йўқотиши кутб ва азимутал бурчакларга боғлиқлиги ҳамда бу йўқотишлар поликристаллга нисбатан тўрт марта кам эканлиги, ион имплантацияси туфайли кристаллнинг нозик структурали энергиявий спектрида кристалл панжаранинг аморфизацияланиши ҳамда аввал ўқ, кейинчалик текислик бўйича каналланган ионлар чўққиси текисланиши аниқланган;

илк бор кристалл ориентациясига боғлиқ ҳолда ҳажмий плазмон тебранишларида энергия йўқотишнинг анизотропияси, электронларнинг характеристик энергия йўқотиш спектри функциясини ҳисоблашда диэлектрик синдирувчанликнинг оддий осцилляторли модели, характеристик энергия йўқотиш спектрларини ҳисоблаш алгоритми, нанопленкалардан ўтган электронларга нисбатан қайтган электронлар ҳажмий плазмон тебранишига катта энергия сарфлаши аниқланган;

Mo, W Nb, Si Ge монокристаллари юзасидан қайтган электронларнинг спектрларидан энергия йўқотишнинг шаклланиш механизми, кристаллнинг ҳар хил йўналишлари бўйича электронлар ҳолати зичлигини баҳолаш усули, материаллар кристалл ҳолатдан аморф ҳолатга ўтганда электрон-фонон ўзаро таъсири эҳтимоллиги ошиши, электронлар ҳолатлари зичлиги деформацияси туфайли электронларнинг катта энергия йўқотиши аниқланган;

илк бор ионлар билан бомбардимон қилинган металлларнинг нанопленкалари юза қатламларининг аморфизацияси даражасини баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат: зарядли зарраларнинг кристалл сиртидан сочилиши ва уларнинг юпқа қатламларидан ўтиши жараёнларидаги ориентацион эффектлар аралашмалар жойини, чуқурлик бўйича тақсимот профилини ва қаттиқ жисм кристалл панжарасида нуқсонларнинг пайдо бўлишини аниқлашда ишлатилди;

майдадисперсли мис сеткаси устида олинган эркин мис пленкаларини қўллаш натижасида, вакуум асбоб-ускуналарини эксплуатация қилишда электрон бошқариш учун имкон берадиган ишончли коммутация ишлаб чиқаришда қўлланиладиган контакт электродлари ишлаб чиқилди;

ион имплантацияси технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар металл–диэлектрик–яримўтказгич ва яримўтказгич–диэлектрик–яримўтказгич юпқа пленкали структураларни ишлаб чиқаришда ҳамда электрон приборларни ишлаб чиқариш саноатида муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий таҳлилий спектроскопик усуллар ва физикавий электроника ёндашувлари қўлланилганлиги билан асосланган. Тадқиқот шартлари таҳлилида замонавий юқори аниқликка эга ўлчов асбоблари қўлланилган ва эксперимент натижалари статистик усулда пухта анализ қилинган. Натижа ва хулосалар замонавий назарий ва экспериментал маълумотларга, зарядли зарраларнинг кристалл билан ўзаро таъсирлашуви механизмларининг физикавий тасавурларга асосланган экспериментал маълумотларнинг ишончлилиги синондан ўтган комплекс ўлчаш услубларидан ва маълумотларга назарий ишлов беришда фойдаланганлик билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, зарядли зарраларнинг кристалл нанопленкалари орқали ўтиши ва улардан сочилиши, унинг таркиби, кристаллик ва электрон структураси, кириш чуқурлиги, тормозлаш

характери, киритилган атомларнинг макро- ва микро тақсимоти, бурчак ва энергиявий тақсимоти каби жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш қаттиқ жисмларнинг хоссалари ва структуралари тўғрисидаги тушунчани кенгайтиришга имкон беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, таклиф этилган илмий натижалар металл–диэлектрик–яримўтказгич ва яримўтказгич–диэлектрик–яримўтказгич юпқа пленкали структураларни яратиш, кристаллнинг пухталиқ даражасини аниқлаш, юпқа пленкаларнинг монокристаллигини баҳолаш, қаттиқ жисм кристалл панжарасига киритилган атомларнинг макро- ва микро тақсимотини топиш, пленкаларнинг қалинлиги ва тормозлаш қобилиятини тез ўлчаш ҳамда ишлаб чиқариладиган саноат материаллари сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Майдадисперсли мис сеткаси устида олинган эркин мис пленкалари ҳамда улар устида олинган кўп қаватли яримўтказгичли структуралардаги ориентацияли эффектларни ўрганишда олинган натижалар асосида:

ион имплантацияси, Оже-электронлар эмиссияси ва ионларнинг кристаллар юпқа пленкалари орқали ўтиши бўйича олинган ориентациявий эффектларни аниқлашда олинган натижалари «ФОТОН» акциядорлик жамиятида кўпқатламли структуралар ҳамда металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ) ва яримўтказгич-диэлектрик-яримўтказгич (ЯДЯ) структураларни олишда элементларни легирлаш технологиясида қўлланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 11 июлдаги №03-1297-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши электрон асбобларнинг ишлаш ишончилигини, МДЯ ва ЯДЯ структураларни олиш технологияси сифатини яхшилаш имконини берган;

вакуум асбоб-ускуналарини эксплуатация қилишда электрон бошқаришга имкон берадиган ишончли, сифатли коммутация қурилмаси ишлаб чиқаришда қўлланиладиган контакт электродлари «PROTON» илмий-техникавий корхонасида ишлаб чиқилган («PROTON» илмий-техникавий корхонасининг 2016 йил 9 сентябрдаги маълумотномаси). Ишланманинг қўлланилиши автоматик равишда бошқариладиган электрон асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришга, уларнинг ишлаш муддати, аниқлиги ва сифатини оширишга ҳамда паст ҳароратли вакуум технологиясини такомиллаштиришга имкон берган;

монокристалларни ион ва электронлар билан бомбардимон қилиш натижасида олинган ориентациявий эффектларнинг намоён бўлиш, каналланган ва каналланмаган ионларнинг энергия йўқотиш механизмлари 2Ф.1.№ 01200009821 «Мураккаб кристалларнинг юпқа қатламларида ва юзасида ўрта ва кичик энергияга эга бўлган ионларнинг сочилиши ва каналланиши жараёнларини ва ионларнинг каналланиш пайтида яримўтказгичларда экситонларнинг пайдо бўлишини тадқиқ қилиш» ва БВ-Ф2-003 «Машинада моделлаштириш услуги билан ионлар имплантацияси энергиявий тақсимот спектрларидаги ориентациявий эффектлар механизмларини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва

технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш давлат кўмитасининг 2016 йил 15 декабрдаги ФТК-0313/912-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши саноат материалларининг сифатини ва юпқа монокристаллар ва аморф яримўтказгичларда фототашувчиларнинг нурли рекомбинациясини тадқиқ қилиш» грант лойиҳаларида олинган яхшилаш, кристаллар сирти структураси, таркиби ва юпқа плёнкаларнинг мукамаллик даражасини назорат қилиш, пленканинг монокристаллиги ва кристаллдаги аралашма атомлари жойлашишини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 13 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, хорижий журналларда 7 та мақола ва 1 та монография нашр этилган, халқаро ва республика конференциялар тўпламларида 17 та маърузалар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, 209 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 63 та расм ва 12 та жадвалдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 205 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кристаллар ориентациясига боғлиқ равишда зарядли заррачаларнинг юпқа кристаллардан ўтиши ва улардан сочилиши бўйича адабиётларда келтирилган натижаларнинг қисқача таҳлили”** деб номланган биринчи бобида металллар ва ярим ўтказгичларнинг эркин юпқа қатламлар орқали ўрта ва паст энергияли зарядланган заррачаларнинг ўтиши ва сочилиши жараёнларининг ориентацион (йўналишга боғлиқ) эффектларга тегишли адабиётларда келтирилган амалий ва назарий тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Оже-электронлар эмиссияси ориентацияга боғлиқлигининг алоҳида хусусиятлари, турли модификациядаги эркин юпқа қатламлар орқали ўтиш ва қайтиш жараёнларида электронлар, газ ионлари ва протонлар (2–5 МэВ) энергия йўқотишлари таҳлил қилинган, шунингдек, қаттиқ жисм сиртининг

масс-спектрометрик таҳлили келтирилган. Очик каналлар ёки текисликларга зарядланган заррачалар параллел йўналтирилганда энергиявий, бурчак ва фазовий тақсимотлар билан бир қаторда ионлар ва электронлар энергия йўқотишларининг анизотропияси, яъни энергия йўқотишлар камайганлиги кўрсатиб берилган. Турли ўқлар ва текисликларда параллел ҳолда ўтувчи протонлар энергия йўқотилишлари анизотропияси бу йўналишлар бўйича валент электронлар зичлигининг турлича бўлиши билан изоҳланган. Шунини таъкидлаш лозимки, ориентацион эффектлар (каналлар бўйича, блокировка), асосан, енгил ва юқори энергияли заррачалар учун тадқиқ қилинган. Плазмонлар дисперсияси, металл ва яримўтказгич юпқа пленкалар орқали ўтувчи ва улардан қайтувчи электронларнинг энергиявий, бурчак ва ориентацион боғланишлари ўрганилган. Тадқиқотлар натижасида металлларда спектрлар структурасининг шаклланишида энергетик жиҳатдан Ферми сатҳидан юқорида жойлашган электрон ҳолатлар тақсимои хусусиятлари асосий роль ўзнаши тўғрисида фикрлар пайдо бўлди.

Замонавий аналитик кўринишдаги иккиламчи ионлар масс-спектрометрияси (ИИМС) – сиртнинг элемент таркиби, пленкали ва наноўлчамдаги структурасини ўрганишнинг энг сезгир усуллари билан бири ҳисобланади. ИИМС спектридаги чўққилар катталиги сиртда мавжуд элементларнинг реал концентрацияларини аниқлашга ёрдам беради.

Диссертациянинг **“Ион ва электронларнинг қаттиқ жисм билан ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш экспериментал қурилмалари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ион ва электронларнинг қаттиқ жисм билан ўзаро таъсири жараёнида кристаллар сирти ва юпқа эркин пленкалар хусусиятлари, таркиби ва тузилишини ўрганишнинг асосий экспериментал усуллари кўрсатилган. Лабораторияда керакли ахборотларни олиш имконини берувчи ЭОС, ЭХЭЙ спектроскопияси, ионларнинг энергия йўқотиш спектроскопияси (ИЭЙС), ИИМС каби методлар яратилган. Бундан ташқари лабораторияда текшириладиган намуналар сиртини модификация қилиш мақсадида ион бомбардировкасини амалга ошириш ва Cu, Al, Ag ларнинг эркин юпқа пленкаларини олиш мақсадида юқори вакуумли чанглантириш усули ишлаб чиқилган. Спектрометр зангламайдиган магнитсиз металлдан тайёрланган юқори вакуумли камера бўлиб, унда фланецлар орқали ион ва электронларни тезлаштирувчи манбалар мотаж қилинган (ўрнатилган). Спектрометр камерасида ишчи вакуум $\sim 8 \cdot 10^{-9}$ Торр бўлиб, текшириладиган намуна сирти орқа тарафидан электронлар билан бомбардидимон қилиниши натижасида қиздирилади, баъзи ҳолларда ион емирилиб тозаланади. Намуна сиртининг тозаллиги оже-электронлар спектрида углерод ва кислород оже чўққиларининг камайиши ва йўқолиши билан баҳоланади. Ионлар манбаи сифатида осцилляцияланувчи электронлар манбаи танланди. Бунда электронларнинг ҳаракат йўли ортади ва ионлашиш эҳтимоли ошади. Манба ҳажмида ишчи газ босими $P=10^{-5}$ Торр дан ошмайди, манбанинг максимал ток зичлиги 10^{-8} А/см², намуна энергияси 0,5 дан 30 кэВ гача бўлган ионлар билан бомбардидимон қилиш имконини беради. Ион дастаси диаметрини

бирламчи линзалар ёрдамида 0,4–2 мм ораликда қўйилган масалага қараб ўзгартириш мумкин.

ЭОС усули аралашмаларнинг элемент таркиби ва микрожойлашуви, имплантация қилинган атомларнинг қаттиқ жисм кристалл панжарасидаги ўрнини кристалларда элетронлар ва ионлар дастасининг каналлашувидан фойдаланган ҳолда аниқлаш мақсадида ишлатилиши, аралашмаларнинг тақсимот профиллари ҳамда текширилаётган металлларда уларнинг фоиз миқдорини таҳлил қилиш учун ҳам фойдаланилиши аниқланди. Оже спектрометрнинг аралашмаларни аниқлаш бўйича сезгирлиги 10^{13} – 10^{12} атом/см² (0,1–0,01%)ни ташкил қилади. Бирламчи электронлар дастаси энергиясини 1÷5 кэВ, ионлар дастаси энергиясини эса (Ar^+ , Kr^+ , ёки Cs^+ , K^+ , Na^+) 1÷10 кэВ ораликда ўзгартириш мумкин. Текшириладиган материал сиртида бирламчи электронлар ва ионлар дастасининг тарқалиш бурчаги $\sim 1^\circ$ ни ташкил қилади.

Тажрибаларни ўтказиш учун стандарт МИ–1201Б масс-спектрометри асосида ИИМС қурилмаси такомиллаштирилди. Масса бўйича ажрата олиш қобилияти ($M/\Delta M \approx 4000$) ва етарлича катта сезгирликка (10^{-5} – 10^{-6} ат.%) эга бўлган ИИМС аналитик қурилмаси яратилди ва ишга туширилди. Такомиллаштирилган ИИМС орқали ҳам мусбат, ҳам мафий ионлар масс-спектрларини олиш мумкин.

Металларнинг эркин юпка поли- ва монокристалл пленкаларини олиш вакуумда термик буғлатиш усулида амалга оширилди. Металл камера совитилади ва чангланиш жараёнида босим 10^{-8} Торр атрофида бўлади. Намунага таглик сифатида сунъий $\text{NaCl}(100)$ ош тузи кристалидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида асосда ҳосил қилинадиган юпка пленканинг ўсиш тезлигини аниқ ўлчаш имконини берувчи иш режими ишлаб чиқилди. Бунда қатламнинг ўсиш тезлиги $\sim 20 \text{ \AA}/\text{C}$ бўлганда модданинг сифатли ва турли аралашмаларсиз қатламларини олиш имконияти пайдо бўлади. Чангланиш тезлиги қанча юқори бўлса, қатлам мустаҳкамлиги ҳам шунча юқори бўлиши кузатилди. Бу усул ёрдамида қалинлик бўйича нобиржинслиги 3% дан ошмайдиган 100 дан 1500 \AA гача бўлган юпка пленкаларни олиш мумкин. Олинган юпка пленкалар электронографик усулда таҳлил қилиниб, монокристалл тузилишга эга эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Кристалларни ион ва электронлар билан бомбардимон қилганда электронларнинг характеристик энергия йўқотишлари ва оже электронлар эмиссиясининг ориентацияга боғлиқлиги”** деб номланган учинчи бобида кристалларни тезлаштирилган ионлар ва электронлар билан бомбардимон қилиш жараёнида электронларнинг характеристик энергия йўқотишлари ва оже электронлар эмиссиясининг ориентацияга боғлиқлиги тадқиқотлари натижалари кўрсатилган. Қийин эрийдиган металллар поли- ва монокристалларини ҳамда кремнийнинг бошланғич энергияси 3–10 кэВ бўлган ионлар (Ar^+ , He^+) ва электронлар билан бомбардимон қилиш жараёнида ҳосил бўладиган оже электронлар эмиссиясининг қиёсий тадқиқи ўтказилди. Ионлар билан бомбардимон қилиш жараёнида олинган спектрлардаги оже чўққилар шакли

электронлар билан бомбардимон қилиниб олинган оже спектрлардан тубдан фарқ қилади. Кузатилган ҳодиса механизмларини аниқлаш мақсадида (оже чўққиларнинг кенгайиши ва силжиши) вольфрам сиртини ионлар билан бомбардимон қилиш жараёнида оже чўққилар шакли ўзгаришининг тушаётган ионлар дастаси энергиясига ва тушиш бурчагига боғлиқлиги тадқиқ қилинди. Ионлар дастаси энергиясининг ортиши билан оже чўққилар кенглигининг ортиб бориши, тушиш бурчагининг ортиши билан эса оже чўққилар кенглигининг камайиб бориши кўрсатиб берилди. Бундан ташқари ион оже спектрларда сателлит чўққилар пайдо бўлиши кузатилди, бу ҳодиса механизми ҳозирча аниқланмади. Кузатилган оже чўққиларнинг иккига ажраши SiO ёки SiO_2 кимёвий бирикмалар ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, чунки ион билан бомбардимон жараёнида сирт локал қизийди ва бу кимёвий бирикмалар ҳосил бўлишига олиб келади. Тажрибада кузатилган ҳодиса асосида қаттиқ жисмлар атомлари оже чўққиларнинг кенгайиши ва силжиши, нишон ва детектор ўртасида пайдо бўладиган мусбат ва манфий зарядланган тўзғиган ионлар оже релаксацияси билан тушунтирилиши мумкин.

Квант механикаси ёндашиши асосида кимёвий бирикмалардаги бир элемент атомининг иккинчи элемент атоми билан ион боғланиши туфайли пайдо бўладиган оже чўққиларнинг энергия бўйича кимёвий силжишини аниқлашда атомнинг эффектив заряди ўзгаришига асосланган янги ҳисоблаш усулидан фойдаланилди. Оже ўтишлар энергиялари ҳисоб-китоби релятивистик тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда Хартри–Фок яқинлашиши ёрдамида амалга оширилди. Ҳисоблашлар конфигурациялар термларининг ўртача қийматлари учун амалга оширилди. Ҳисоблашлар натижалари тажриба натижалари билан солиштирилганда улар ўртасида мослик борлиги аниқланди.

Электронлар билан бомбардимон қилиш натижасида Mo ва W монокристаллари қирраларидан сочилган оже электронлар эмиссиясининг фазовий ва бурчак тақсимотлари тадқиқ қилинди. Бурчак ва фазовий тақсимотларда анизотропия кузатилди ва бу кузатилган анизотропия ноэластик (ёки квазиэластик) сочилган бирламчи электронларнинг ҳажмдан сиртга чиқиш йўлида дифракцияси сабабли юзага келиши кўрсатиб берилди. Агар электронлар дастасининг тушиш бурчаги ва кристалл бурилишининг азимутал бурчаклари кристалларнинг кичик индексли ўқлари билан устма-уст тушса, кристалл атомлари оже чўққиларининг кескин ортиши кузатилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, олинган натижалар ва таҳлиллар асосида кўрсатилган йўналишларда (1-расм) углерод ва кислород атомларининг $1/2, 1/2, 0$ координатали ва $\langle 100 \rangle, \langle 110 \rangle$ йўналишлари бўйича оже чўққилар интенсивлигининг кескин ортиши шу йўналишларда кислород ва углерод атомларининг етарлича катта концентрациялари мавжудлигини кўрсатади. Тадқиқот жараёнида Mo ва W ларнинг асосий кичик энергияли оже чўққиларида сателлит (қўшимча) чўққилар пайдо бўлиши аниқланди. Сателлит чўққилар интенсивлиги чуқур тадқиқ қилинганда ўзгаришлар молибден ва вольфрам сиртлар ҳолатига боғлиқлиги аниқланди. Масалан,

ўлчаш камерасидаги вакуум ўзгариши туфайли бу чўққилар Mo ва W атомларининг қандайдир маълум қисми MoO, MoO₂ ва WO, WO₂ кўринишда оксидланиши билан боғлиқ. Сонли ҳисоблаш усулини қўллаб қуйидаги ифода ёрдамида:

$$\Delta E_{хим}(Mo \rightarrow MoO_{n-1}) = - \frac{\Delta E(Mo \rightarrow MoO_n) \cdot \Delta Z_{эфф}(Mo \rightarrow MoO_{n-1})}{\Delta Z(Mo \rightarrow MoO_n)} \quad (1)$$


ва атомларнинг эффе́ктив зарядлари тўғрисидаги катталиқлар жадвали ҳамда уларнинг ион типидagi боғланишлар ҳосил қилиб кимёвий боғланишларга киришишдан фойдаланиб 27 эВ энергияли молибден оже чўққиларининг кимёвий силжиши аниқланди.

Al монокристалл ионлар ва электронлар билан бомбардимон қилиниб


олинган оже спектрлар қиёсий тадқиқ қилинди. Асосий оже чўққи интенсивлиги камайиши ва чўққи кенглигининг ортиши ҳамда қўшимча оже чўққилар пайдо бўлиши аниқланди.

Оже чўққиларнинг иккиланишига сиртнинг ионлар билан бомбардимон қилинаётган соҳаси кучли локал қизиши ва кислород атомларининг кристалл ҳажмидан диффузияси бўлиб, бунинг натижасида кислород кристалл панжара асосий атомлари билан бирикиб, турли оксидларни ҳосил қилиши (AlO, Al₂O) асосий сабаб деб топилди. Оже чўққилар интенсивлиги бирламчи ионлар тушиш бурчагига боғлиқлиги, асосий оже чўққилар энергиясининг кичик энергияли соҳаларда пайдо бўладиган қўшимча оже чўққилар энергиясидан 4–5 эВ фарқ қилиши аниқланди.

ЭОС ва ИИМС усуллари ёрдамида яримўтказгич–диэлектрик, яримўтказгич–металл чегарасида назорат қилиб бўлмайдиган аралашмалар таркиби, уларнинг кимёвий ҳолати ва тақсимот профили ўрганилди (CdS-Ni, Si-Ni, Si-Al, Si-SiO₂). CdS-Ni чегарасида назорат қилиб бўлмайдиган аралашмалар таркибини аниқлаш мақсадида никель сиртидан бошлаб то CdS яримўтказгичли таглик қатламигача чуқурлик бўйича элементлар



1-расм. Молибденда С ва О оже–электронлари нисбий интенсивлигининг бирламчи электронлар тушиш бурчаги φ га боғлиқлик эгри чизиқлари



2-расм. Ni пленкаси устида қалинлиги 1мкм бўлган CdS-Ni структураси чуқурлиги бўйича С, О ва Na аралашмалари концентрацияси тақсимоти профили эгри чизиқлари

(C, O, Na) тақсимоти ўрганилди ва улар концентрацияларининг яримўтказгич–металл чегарасида ортиши кўрсатиб берилди (2-расм). Бу ҳол яримўтказгич ва металл чегара қисмида кристалл панжараларининг мос келмаслиги туфайли пайдо бўладиган нуқсонлар сабабли юзага келиши мумкин, яъни нуқсонлар ўз навбатида яримўтказгич ҳажмида мавжуд бўлган аралашма элементлар (C, O, Na) атомларини тутиб қолувчи манбага айланади. Кремний атомлари оже чўққиларининг кимёвий силжишларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, SiO₂ пленка SiO дан иборат ўтиш қатлами орқали Si тағлиқка тегар экан, демак, Si ва SiO₂ қатламлар орасида SiO эга юпқа қатлам мавжуд. Si-SiO₂ чегара сиртлари учун олинган оже электронлар спектрида барча оже чўққиларнинг юқори энергиялар ва айрим ҳоллардагина кичик энергиялар соҳасига силжиши кўрсатилиб берилди. Спектрлардаги оже чўққиларни таҳлил қилишда уларнинг силжиш катталиги ўзгариши яримўтказгич–диэлектрик чегараси сиртларида зарядланиш эффекти пайдо бўлиш ҳодисасига боғлиқлиги кўрсатилди.

Бу чегарада сиртнинг SiO₂ юпқа пленканинг ҳосил бўлиши шароитларига боғлиқ равишда мусбат ёки манфий зарядланиши аниқланди. Агар чегара сирти яқинида электронга мойиллиги юқори бўлган элементлар, масалан, O, Cl ва бошқа аралашма атомлари етарлича кўп бўлса, сирт манфий, аксинча, электронга нисбатан электромусбат мойилликка эга элементлар, масалан, Na, K ва бошқа элементлар атомлари мавжуд бўлса, сирт мусбат зарядланар экан.

Mo ва Nb сиртларидан қайтишда электронларнинг характеристик энергия йўқотишларининг (ХЭЙ) дисперсияга боғлиқлиги тадқиқ қилинди. Спектрда бир қатор дискрет энергия йўқотган чўққилар кузатилди (1-жадвал). ХЭЙ спектрларида зоналаро ўтишда пайдо бўладиган максимумлар мавжудлиги шунга олиб келадикки, ХЭЙ спектрлари структураси шаклланишини тасвирлаш учун текширилаётган материалларнинг макроскопик (комплекс) диэлектрик сингдирувчанлиги (ДС) деб аталувчи хусусиятларини қўллаш муҳим:

$$\varepsilon(\vec{k}, \omega) = \varepsilon_1(\vec{k}, \omega) + i\varepsilon_2(\vec{k}, \omega) \quad (2)$$

Бу ерда ε_1 ва ε_2 лар комплекс диэлектрик сингдирувчанликнинг ҳақиқий ва мавҳум қисмлари, $\hbar k$ ва $\hbar\omega$ ноэластик тўқнашиш натижасида металлдаги электрон газни жунбушга келтиришда сочилган бирламчи электронларнинг қаттиқ жисмга берадиган импульси ва энергияси. Диэлектрик сингдирувчанлик ХЭЙ спектрини тўла характерлаб бера олади, чунки у электронларнинг жунбушга келиш спектри тўғрисида маълум ахборотларни ўз ичига олади ва текширилаётган материалнинг электромагнит таъсирга қандай чидамлилигини яхши тасвирлаб бера олади. Ўтувчи металллар электронлари ион пажара тугунлари яқинида етарли даражада локаллашган бўлади. Буларни ҳисобга олган ва зоналар структураси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ДСнинг осциляторли модели ёрдамида ХЭЙ спектрини ҳисоблаш такомиллаштирилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Mo, W, Nb кристалларда (nd)–(mf), (np)–(md) барча ўтишлар боғланган бўлиб, бу ҳолни

қайтган электронлар билан ўтказилган тажрибаларда олинган 10–50 эВ энергия интервалидаги ХЭЙ спектрларининг кўриниши ҳам тасдиқлайди.

1-жадвал

Mo ва Nb плазмонларида характеристик энергия йўқотишлар


Элемент	ΔE_i – энергия йўқотишлар, эВ				
	$\hbar\omega_p(5s)$	$\hbar\omega_{pv}$	d-f	$2\hbar\omega_{pv}$	
Mo	11,7	23,2	36	48,3	70,4
Nb	11,3	18,5		37	56

Диссертациянинг “**Турли модификациядаги каттик жисмлар орқали ўтишда ионлар энергия йўқотишларининг ориентацияга боғлиқликлари тадқиқоти**” деб номланган тўртинчи бобида ўрта энергияли ионларнинг металллар поли- ва монокристаллари эркин юпқа пленкаларидан ўтиши ҳамда каналланиши жараёнида энергиявий ва бурчак тақсимотларининг ориентацияга боғлиқлигини тадқиқ қилиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган. Ўтган ионлар бурчак тақсимотининг кутб диаграммалари олинди. Тушиш бурчагининг ортиши пленкаларда ионлар ҳаракат йўлининг ортишига, бу эса ўз навбатида қайта тўқнашишлар эҳтимолининг ошишга олиб келади ва ионлар катта бурчакларга сочилади. Шунини айтиш мумкинки, ионлар дастаси тушиш бурчаги ортишининг самарадорликка таъсири пленка қатламининг ортишига тенг кучлидир. Тадқиқотлар натижалари шунини кўрсатдики, бурчак тақсимот шаклининг шаклланишида кўп карралаи тўқнашувчи ионлар қисмининг ўзгариши муҳим аҳамият касб этар экан. Уларнинг ортиши Q кутб сочилиш бурчаги бўйлаб барча йўналишларда ўтаётган ионлар тақсимотининг бирмунча изотропиясига олиб келади.

~180 Å қалинликдаги эркин юпқа Cu пленкаси орқали ўтган турли E_0 энергияли Na^+ ионларнинг бир қанча энергиявий тақсимотлари тадқиқ қилинди. Энергиявий тақсимот юқори энергия соҳаларида локаллашган, максимумларга эга симметрик бўлмаган эгри чизиклардан иборат ва E_0 энергия ортиши билан камаювчи кичик энергияли “дум”лардан иборат. Ионлар бошланғич энергияси ортиши билан тақсимотдаги максимумлар энергиявий ҳолатининг чизикли силжиши ва кичик энергия соҳасида давом этувчи “дум”ларнинг мавжудлиги ионларнинг Cu пленкаси орқали ўтишида тормозланиши билан боғлиқ асосий жараёнлар, уларнинг нишон атоми билан ҳам эластик, ҳам ноэластик тўқнашишлари эканлигини кўрсатди. Ионлар бошланғич энергиясининг ортиши билан энергиявий тақсимотдаги максимумлар E_0 га пропорционал равишда юқори энергиялар соҳасига силжийди. Ўтиш жараёнида K^+ ионларининг худди шундай қалинликдаги Cu пленкаларидан ўтган ионлар энергиявий спектрида кичик энергияли “дум”лар янада яққол намоён бўлади.

Олинган натижалар асосида ионлар энергия йўқотишлари ΔE нинг ионлар дастаси бошланғич E_0 энергияларига боғлиқлик графиклари чизилди. ΔE нинг қиймати Na^+ ва K^+ ионлари учун бошланғич энергия E_0 10 дан 40 кэВ гача ортганда чизиқли ортади, бу эса ўз навбатида умумий энергия йўқотишларда эластик ва ноэластик тормозланиш жараёнларининг рўй беришидан далолат беради. Энергиявий тақсимотнинг энергияга, ионларнинг турига ва пленка қалинлигига боғлиқлиги олинган тажриба натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради: кичик E_0 энергияларда $\Delta E/E_0$ нинг қиймати юқори E_0 энергиялардагига қараганда каттароқ, яъни кичик E_0 энергияларда энергия йўқотишлар юқори E_0 дагига нисбатан кўпроқ. Бунга сабаб кичик E_0 энергияларда ионларнинг тўлқин узинлиги λ нинг каттароқ эканлигидир. 20 кэВ энергияларда $\lambda \sim 5-6 \text{ \AA}$ бўлса, 40 кэВ энергияларда $\lambda \sim 2-3 \text{ \AA}$ ни ташкил қилади. Поликристалларда каналланиш эффекти кузатилмайди, ионлар ўз йўлида каттароқ бурчакларга оғиши мумкин ва мос равишда эластик йўқотишлар кескин ортади.

Ионларнинг юпқа пленкалар орқали ўтиш жараёнларини тақдқиқ қилишда ионларнинг нишон атомлари билан ўзаро таъсир механизмига ва энергия йўқотишларига нишон кристалл панжаралари ориентацияларининг таъсирини ўрганиш катта қизиқиш уйғотди. 3-расмда энергияси $E_0=20 \text{ кэВ}$ ва турли ϕ бурчакларда (1– 0° , 2– 30° , 3– 45° , 4– 60°), қалинлиги $x \approx 200 \text{ \AA}$ бўлган эркин юпқа $\text{Cu}(100)$ пленкаси орқали ўтаётган Na^+ ионлар энергиявий тақсимотларининг эгри чизиқлари келтирилган. Кўришиб



$E_0=20 \text{ кэВ}$, $x_{\text{Cu}}=200 \text{ \AA}$. 1– $\phi=0^\circ$; 2– $\phi=30^\circ$;
3– $\phi=45^\circ$; 4– $\phi=60^\circ$

3-расм. Cu плёнкасида ўтган Na^+ ионларининг тушиш бурчагига боғлиқлиги бўйича энергиявий тақсимот эгри чизиқлари

турибдики, тушиш бурчагининг ортиши билан энергиявий тақсимотдаги максимумлар кичик энергиялар томонга силжийди ва бу ҳолда энергия шкаласи бўйича максимумлар силжиши ϕ бурчак ортиши билан очизикли ортади.


Худди шундай натижалар юпқа Cu пардаси орқали ўтган K^+ ва Rb^+ ионлари энергиявий тақсимотларининг бурчак боғланишларини тақдқиқ қилишда ҳам олинди. Шунини таъкидлаш лозимки, Na^+ ва K^+ ионларидан янада оғирроқ Rb^+ ва Cs^+ ионларига ўтишда энергиявий тақсимот кескин ўзгаришларга учрайди. Бундай ҳолларда ионларнинг энергиявий спектри жуда кенг бўлади ва унинг кичик энергияли соҳаси энг кичик энергияларгача чўзилади. Бундан ташқари оғир Cs^+ ионлари ҳолида ϕ бурчак ортиши билан энергиявий тақсимот максимумнинг силжиши кескин рўй беради ва $\phi > 70^\circ$ бурчакларда энергиявий тақсимот йўқолади, бу эса катта бурчаклар остида ионлар тушаётганида бамбардимон қилинаётган пленка эффектив қатламининг ортиши туфайли оғир ионларнинг ўтиши тўхташидан далолат беради.

Пленка қалинлигига нисбатан кичик кесимли ионлар дастаси билан бомбардимон қилиш жараёнларини тадқиқ қилиш бевосита битта тажрибада турли қалинликдаги моддаларнинг тормозлаш хусусиятларини тез аниқлаш имконини ҳам беради. 4-расмда юпқа мис пленкаси орқали ўтган Na^+ , K^+ ва Ar^+ ионлари энергиявий тақсимотлари келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, бу спектрларда учта максимум яқол кузатилади. I – юқори энергияли бош тақсимот чўққиси бўлиб, Na^+ ионларнинг Cu кристаллининг [100]

йўналишида ўқ бўйича каналлашиши билан боғлиқ. II энергиявий тақсимот чўққиси текислик бўйича каналланган ионлар туфайли пайдо бўлади. Энергиявий тақсимотдаги III чўққи эса монокристалл пленка орқали тартибсиз равишда ўтган ионлар билан боғлиқ (энг катта энергия йўқотиб) ва бунда каналланиш сезилмайди.

Бир хил шароитларда олинган бу спектрларни солиштириш шуни кўрсатадики, Na^+ дан K^+ ва Ar^+ га ўтишда барча максимумлар катта энергия йўқотишлар соҳасига силжийди, кенглигининг бироз ортиши содир бўлади ва учинчи максимум интенсивлигининг биринчи ва иккинчи максимумларга нисбатан ортиши кузатилади. Демак, айтиш мумкинки, ионлар массаларининг ортиши барча турдаги энергия йўқотишлар ортишига ва каналланмайдиган ионлар сонининг кўпайишига олиб келар экан. Кузатилган эффектлар K^+ ва Ar^+ ионлари радиусларининг турлича эканлиги билан тушунтирилади. Аргон ионининг радиуси ($r_{\text{Ar}} \approx 1,88 \text{ \AA}$) K^+ иони радиусидан етарлича катта ($r_{\text{K}} = 1,33 \text{ \AA}$). Худди шундай эффектлар пленкалар Rb^+ ($r_{\text{Rb}} = 1,48 \text{ \AA}$) ва Kr^+ ($r_{\text{Kr}} \approx 2 \text{ \AA}$) ионлари билан бомбардимон қилинганда ҳам кузатилди.

180 дан 600 \AA гача бўлган қалинликдаги Cu ва Ag нинг юпқа монокристалл пленкалари орқали ўтган ионларнинг (K^+ , Na^+) фазовий тақсимоти ўрганилди. Бурчак тақсимотининг қутбли диаграммалари олинди ва уларда ([100], [130], [120], [110]) кристаллографик йўналишларга мос келувчи аниқ ифодаланган чўққилар кузатилди. Ионларнинг кристаллар юпқа пленкалари орқали ўтиши бўйича тажриба натижалари бирламчи ионлар дасталари энергияларининг ортиши ва ионлар массаларининг камайиши каналланиш критик бурчаклари катталикларининг камайишига олиб келишини тасдиқлайди. Ўртача энергияли нисбатан оғир ионларнинг юпқа пленкалар орқали ўтиши жараёнларида ориентацион эффектларнинг яққол намоён бўлиши ва фазовий тақсимот эгри чизиклари орқали юпқа



ΔE_1 , ΔE_2 , ΔE_3 – I, II, III чўққиларга тўғри келувчи энергия йўқотишлар

4-расм. Қалинлиги 450 \AA $\text{Cu}(100)$ пленкасидан ўтган Na^+ , K^+ ва Ar^+ ионларининг энергиявий тақсимоти


пенкалар структурасининг бенуқсонлиги даражаси тўғрисида фикр юритиш мумкинлигини кўрсатади. Юзанинг тартибсизланиш даражаси ўсиши билан зарралар каналлашишига боғлиқ чўққилар интенсивлигининг монотон камайиши, тартибсиз равишда ўтишда эса чўққи интенсивлигининг ортиши кўрсатиб берилди. Юзани тартибсиз ҳолатга келтиришга турли доза ва энергияси $E_0=3$ кэВ бўлган K^+ ва Ag^+ ионлари билан бомбардимон қилиш натижасида эришилди.

5-расмда бомбардимон натижасида пенкалар орқали ўтган Ag^+ ($E_0=18$ кэВ) ионлари чўққиси ΔE_1 интенсивлигининг ўзгариши келтирилган. Ионлар туридан қатъи назар, $D \approx 10^{14} \div 10^{15}$ ион·см⁻² доза соҳасида “канналлашган” ионлар чўққилари интенсивлигининг сезиларли даражада камайиши кўриниб турибди. Ag^+ ионлари билан бомбардимон

